

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИК ДИНАМИКАСИ ВА УНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

Яздонов Улуғбек Тошмуротович

Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали, Ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси мудир, фалсафа фанлар доктори, профессор.

Аннотация: Ушбу мақолада жамият ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисми бўлган жамоатчилик фикри ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари, унга таъсир этувчи омиллар, хусусан, ижтимоий онг шаклларининг имконият даражаси (локал, регионал, глобал) ҳамда ташқи кучлар қамровида юзага келувчи ижтимоий фикрлар умумлашмасининг «кристал»лашиб бориши натижасида жамоатчилик фикрида юзага келувчи динамик ўзгаришлар тенденцияси, дифференцияллашув хусусиятлари илмий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жамоатчилик фикри, ижтимоий онг шакллари, ижтимоий тузилма, динамик ўзгариш, қарама-қаршилиқлар тизими, диний қадриятлар, урф-одатлар, ижтимоий, ахлоқий муносабат, умумфалсафий тенденциялар, ахборот трансформацияси, жамоавий бирлик, ижтимоий ҳамкорлик.

Жамоатчилик фикри мураккаб ижтимоий тузилма бўлиб, жамиятда содир бўлаётган ҳар бир воқеа ҳодисадан руҳланиб, ўзининг шакл шамойилини ўзгартириб боради. Жамоатчилик фикридаги бундай динамик ўзгариш ўз тенденцияларига кўра турлича талқин этилиб, унинг ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш бўйича кўплаб назариялар илгари сурилмоқда[1]. Хусусан, Сухроб Норқуловнинг фикрича фуқаролар ижтимоий онги тўлқинсимон ўзгаришга мойил бўлиб, унга кўпинча ижтимоий ҳаётда кечаётган жараёнлар, иқтисодий муносабатларнинг динамик хусусияти таъсир этади[2]. Аммо бундай қараш жамоатчилик фикрига бўлган муносабатда бирламчи (*доминант*) аҳамият касб этмайди. Жамоатчилик фикрида иқтисодий омил билан бир қаторда руҳий-эмоционал таъсирнинг кучи «энергияси» ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Психолог Б. Сирлиевнинг қарашлари бўйича жамоатчилик фикри ички руҳий шарт-шароитларга боғлиқ бўлиб, унинг ўзгарувчанлик динамикаси қуйидагиларга боғлиқ:

- қадриятлар тизимида шаклланган қарашларга;
- ахлоқий муносабатлар билан такомиллашган тенденцияларга;
- хатти-ҳаракатнинг умумлашган усулларига;

– ўзини ўзи тартибга солишнинг психодинамик хусусиятлари[3] билан изоҳланади деб, жамоатчилик фикри ўз табиатига кўра динамик хусусиятига эга ижтимоий ҳодиса эканлигини таъкидлаб ўтади.

Бизнинг фикримизча, жамиятда статик ҳолатда шаклланиб келган ижтимоий қарашлар (*жамоатчилик фикри*), аввало ижтимоий онг маҳсули бўлган элементлар таъсирида конкретлашади, субъектлар ўртасида «реал-моддий кучга айланиб боради, респондентларнинг потенциал ва реал имкониятига нисбати, масалани ҳал этиш қуввати-ҳосиласига кўра фарқланиб туради[4].

Жамоатчилик фикри феномени тузилишига, унинг ривожланиб бориш йўналишларига таъсир этувчи омилларни ўрганишда бир гуруҳ социологлар куйидагича ёндашувни илгари суришган: «ижтимоий тизим динамикаси унга йўналиши, хусусиятларининг ўзгариш суръати, шунингдек, ривожланиш тенденцияларини ўрганишни тақозо қилади. Тизимларнинг турли-туманлиги, тўғри чизиқли ва тўғри чизиқли бўлмаган динамик тизимлар, ривожланиш манбаи ҳамда ҳаракатлантирувчи кучлари тизимли динамиканинг тадқиқот предмети ҳисобланади»[5]. Бу биринчидан, «ижтимоий тизим динамикаси тушунчаси ижтимоий воқеликни ўрганишдаги турли муносабатларни ифодалайди. Иккинчидан, ижтимоий тизим динамикаси воқелик ўзгаришидаги жараёнларни, уларнинг боғлиқлиги, йўналиши ва оқибатларини ўрганади. Учинчидан, унинг доирасида бу ўзгаришларга таъсир қилувчи омиллар, ижтимоий муносабатларга индивидларнинг мослашиш қонуниятлари киради»[6]. Шу ўринда келтириб ўтиш керакки, унинг ўзгарувчанлик тенденциялари куйидаги жиҳатлари билан ҳам характерли ҳисобланади:

Биринчидан, жамоатчилик фикрининг барқарорлиги ва давомийлиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий, маърифий-маънавий кўрсаткичларда акс этиб, унинг динамик (*муносабатнинг турли кўринишларида*), намоён бўлиши, ижтимоий тенденциялардаги (*ижтимоий воқелик, ижтимоий онг шаклларидаги*) ўзгарувчанлик билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, барқарор, яъни ички таъсир доирасида (*урф-одатлар, анъаналар, миллий қадриятлар, маънавий-маърифий мерос*) такомиллашиб боришини ҳам келтириб ўтиш керак. Чунки, жамоатчилик фикри – ижтимоий онг маҳсули бўлганлиги сабабли, унинг ўзгарувчанлик динамикаси ҳам, йўналишлар кесимида шаклланиб боровчи тенденцияси ҳам жамоавий онг даражалари билан белгиланади.

Иккинчидан, доимий ўзгарувчан характерга эга бўлган жамоатчилик фикри кайфияти (*ижтимоий муносабатлар таъсирида ўзгарувчан*) ва ички маънавий-руҳий дунёқараши (*ташқи кўринишдан мураккаб тизим бўлсада, аммо руҳий эмоционал шаклига кўра таъсирчан, мослашувчан, эгилувчан ижтимоийлашган жараён*) асосида ижтимоий психологик кўринишлари, намоён бўлиш шакллари, турли даражадаги воқеликда ўзини кўрсатиб, тадрижий ривожланиш генезисига кўра динамик характерга эга ҳисобланади.

Учинчидан, жамоатчилик фикри ижтимоий-сиёсий тузилма бўлиши билан бир қаторда, бошқарувчанлик кайфиятидаги жамоавий бирлашма ҳам ҳисобланиб, унинг геосиёсий статусини белгиловчи асосий омиллардан бири шуки, жамоадаги лидер (*раҳбар ёки раҳбарият*) аҳолининг руҳий эмоциясига таъсир этиб (*масалан биринчи босқичли тарғиботда аҳолининг тақводор қатламлари орасида иш олиб бориб, диний ташкилот фаолиятдан фойдаланган ҳолда ҳаракат қилиши*), ижтимоий жараёнларни назорат қилишини кўрсатиш мумкин.

Тўртинчидан, ҳозирги глобаллашув даврида жамоатчилик фикри тузилмасини бошқариш ҳам, назорат қилиш ҳам бир қатор мураккабликларни келтириб чиқармоқда, бу биринчидан, унинг ички таъсир элементларига боғлиқ бўлса, иккинчидан ташқи омилларга, яъни ахборот трансформациясидаги динамик ўзгаришлар билан изоҳланади.

Бешинчидан, жамоа қарашларида қарор топиб келаётган динамик ўзгарувчанлик кўп ҳолатларда жамоатчилик фикридаги хулқ-атворнинг номутаносиблиги билан ҳам характерланмоқда. Чунки, шахс тарбиясида оила бирламчи бўлса, жамоа тарбиясида шароит, муҳит, муносабат асосий ўрин тутаяди. Аниқроқ қилиб айтганда, жамоадаги динамик ўзгариш аввало тўғридан-тўғри таъсир, маълумотлар базаси, дунёга қараш шакли, ўз-ўзини реализация қилиш имкониятлари билан белгиланади. Бу жараён ҳозирги даврда турли куч марказларининг глобал даражада стратегик маконлар устидан турли характердаги: ҳарбий, иқтисодий, сиёсий, маданий, ижтимоий, ахборот, экологик назорат имконлари динамикасини ва майлларини ўрганиш каби тенденцияларга илмий концепция сифатида қарашни тақозо этмоқда.

Жамият тараққиёти йўлида жамоатчилик фикри барқарорлигига эришиш учун, аввало уни шаклланиш, ривожланиш тенденцияларини илмий прогнозлаштириш мақсадга мувофиқдир[7]. Чунки, илмий прогнозлаш биринчидан масалага комплекс ёндашувни тақозо этса, иккинчидан, унинг яширин, ички имконият даражаларини очишга тўртки бўлади. Бундан ташқари, муаммонинг юзага келиши мумкин бўлган элементлари ҳақида объектив маълумот олиш имкониятини ҳам беради.

Жамоатчилик фикрида кечаётган динамик ўзгаришларни тизимли таҳлил қилишда, яъни иқтисодиёт, математик статистика ва бошқа соҳа тадқиқотларида кенг қўлланиб келинаётган «рентабеллик даражаси»^{*}ни аниқлаш методи жамоатчилик фикрини шаклланиш даражаларига аниқлик киритишда, уни мақсадга мувофиқ йўналтиришда, тадрижий барқарорлигини топишда қўл келади. Бошқача айтганда, жамоатчилик фикрини «рентабеллик даражаси»ни топиш – маълум мақсадга қаратилган жамоатчилик фикрини оптимал таъсирини аниқлаш ва унинг жамият тараққиёти йўлида

^{*}«Рентабеллик» соф иқтисодий категория сифатида фойданинг нисбийлигини кўрсатувчи усул ҳисобланади. Яъни «рентабеллик» сарф-харажатларнинг самарадорлиги даражасини тавсифлайди ва фойда олиш учун қилинган харажатларга таққослаш йўли билан аниқланади.

ташқиллаштириш, бошқариш ва назорат тизимини ишлаб чиқишда муҳим услуб ҳисобланади.

Бу усулни жамоатчилик фикри тадрижийлигини жамият тараққиёти йўлида таъминлаш йўналишига қандай қўллаш ва қандай самарадорликка эришиш мумкин?, каби саволларга жавоб топиш учун унга («рентабеллик даражасига») қуйидагича ёндашувда мурожаат этиш керак бўлади:

Биринчидан, тадқиқот мақсади белгилаб олинади, хусусан, жамоатчилик фикрига таъсир этувчи омилларнинг умумий, ўзгарувчан, мослашувчан, тадрижий ҳамда тараққиёт босқичлари ўртасидаги алоҳидалик, умумийлик ва хусусийликка қаратилган критерияларга аниқлик киритилиб,* уларнинг умумий тенденциялари белгиланади.

Иккинчидан, олиб борилган тадқиқот жараёнида респондентларнинг ҳар бир хусусиятига (*ёши, жинси, ирқий келиб чиқиши, маълумотлилик даражаси ва ҳок.*) алоҳида эътибор берилиши керак бўлади. Чунки, тадқиқотнинг умумий натижаларини келтириб чиқарувчи асосий омиллар, айнан респондентларнинг характеристикаси билан боғлиқ жараён ҳисобланади.

Учинчидан, жамоатчилик фикрига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар бир омилга конкрет ёндашувни йўлга қўйиш зарур ва шартдир. Чунки, олинган натижалар ўртасидаги ўзгарувчанлик динамикаси, яъни самарадорлик даражасини ўзгариши, аввало тенденциялараро алоқадорликка боғлиқ бўлиб, бу жараённинг кечиши олдинга қўйилган мақсад қай-даражада аниқлик билан амалга оширилишига қараб белгиланади.

Тўртинчидан, жамоатчилик фикрида шаклланаётган муайян муаммога нисбатан рационал ёндашувни юзага келтириш, унинг йўналишлар бўйича ривожланиб бориш тенденцияларини аниқлаш ва шу асосида истиқболли режалари борасида прогнозлар бериш мумкин. Бунинг учун «рентабеллик даражаси»ни қўллаш энг мақбул йўлдир.

Биз томонимиздан ижтимоий фанлар кесимидаги тадқиқотларда қўллаш тавсия этилаётган «рентабеллик даражаси» методи ҳақидаги умумий таснифга қуйидагича изоҳ бериш мумкин:

$$\bar{R} = \frac{\sum qf}{\sum qz + \sum qc} * 100$$

формула ёрдамида жамоатчилик фикрини ўрганиш,

яъни унга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, ўзгарувчанлик динамикасини аниқлаш, шаклланиш, ривожланиш тенденциялари ўртасидаги корреляцион боғлиқлиқни топиш имкони бор.

Маълумот учун, юқорида кўрсатилган формула бўйича математик ҳисобни амалга оширишда қуйидаги тартибда ишлаш керак бўлади:

q_i – тадқиқотда иштирок этувчи респондентларнинг умумий миқдори;

f_i – олиб борилган тадқиқот мақсадига мувофиқ муносабат билдирган респондентлар;

* Жамоатчилик фикрига таъсир этувчи тенденцияларнинг умумий критерияларига аниқлилик киртиш учун, аввало амалий, яъни социометрик тадқиқот олиб бориш керак бўлади.

z_i – динамик ўзгарувчанлик даражалари юқори бўлган респондентлар;
 c_i – тадқиқот мавзуси юзасидан белгиланган шартларга пассив муносабатда бўлган респондентлар;

g_i – олинган натижаларнинг рентабеллик даражаси.

Хулоса ўрнида келтириб ўтганда, ушбу формула ёрдамида тадқиқот олиб бориш натижасида жамоатчилик фикрида шаклланаётган омилларнинг умумий «рентабеллик даражаси»га аниқлилик киритилиб, унинг ўзгарувчанлик динамикаси, шаклланиш тенденциялари бўйича олдиндан илмий прогнозлар бериш мумкин. Бу жараёнда формулада иштирок этган белгилар қуйидаги тамойилларга бўйсунди:

« Q_i » – тадқиқотнинг мақсадига қаратилган мезон рақами бўлиб, унинг динамик ўзгарувчанлиги респондентларнинг ўзгармас миқдори билан белгиланади;

« F_i » – тадқиқотнинг моҳиятини очиш, яъни унинг «ядровий нуқтаси»ни белгилловчи мезонларнинг тартиб рақами ҳисобланиб, асосий эътибор респондентларнинг билдирган муносабатига қаратилади. Чунки, формуланинг айнан шу белгиси ёрдамида тадқиқотдан кўзланган мақсад очилади;

« Z_i » – рақами тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг тадрижий муносабатида беқарорлиги мавжуд бўлган ҳолатларни кўрсатишга қаратилган бўлиб, асосий эътибори жамоанинг миқдорий жиҳатдан доимий турғун бўлмаган қисмини аниқлашга қаратилади;

« S_i » – респондентлар орасидан пассив муносабатда бўлган, жамиятдаги ҳар бир ислоҳотга лоқайдлик билан қаровчи, тор доирадаги «қобиғига» ўралиб олган, аммо ташқи кўринишдан фаол шахс сифатида баҳоланувчи респондентларни иштирокчилар орасидан ажратиб олишга қаратилган мезон ҳисобланади;

« R_i » – мезонлар орасидаги ўзаро корреляцион алоқадорликни кўрсатувчи даража белгиси ҳисобланиб, тадқиқотда иштирок этган ҳар бир респондентнинг алоҳидалик, умумийлик ҳамда хусусийлик белгиларини топишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Яздонов, У. Т. (2020). ВЗАИМОСВЯЗЬ НАУКИ, ИСКУССТВА И РЕЛИГИИ СОБЩЕСТВЕННЫМ МНЕНИЕМ PUBLIC OPINION–MULTIDISCIPLINARY INTERACTION WITH THE PHENOMENON OF SCIENCE, ART AND RELIGION. *BVK 91*, 1033.

2. Норкулов, С. Д. (2015). Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онда трансформация жараёнлари: Монография. *Тошкент:—Navro*, (2015).

3. Сирлиев, Б. Н. (2000). Психологические аспекты профессионального становления мастера среднего специального-профессионального учебного заведения.

4. Яздонов, У. Т., & Бабажанов, С. Б. (2021). Иқтисодиётда рақамли технологияларни жорий этиш ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш зарурати. *Development issues of innovative economy in the agricultural sector*, 147.

5. Yazdonov, U. B. T. (2019). ОРГАНИЗАЦИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ ПОД ВЛИЯНИЕМ ФОРМ СОЦИАЛЬНОГО СОЗНАНИЯ. *Theoretical & Applied Science*, (9), 88-92.

6. Taniqulov, J. A. (2022). JAMOATCHILIKNI FIKRINI SHAKLLANTIRISHDA MEDIA AXBOROT TIZIMNING FUNKSIONAL INTEGRATSIYALASHUVI. *Academic research in educational sciences*, (Conference), 851-854.

7. Babajanov, S. B. (2022). Jamoatchilik nazorati–davlat boshqaruvini demokratlashtirishning huquqiy asosi. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), 38-43.